ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

В ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКАХ ВОПРОСЫ О ТОЛЕРАНТНОСТИ

CLARIFICATION OF TOLERANCE IN ISLAMIC SOURCES

Калит сўзлар: *бағрикенглик, Қуръон, тинчлик, адолат, таълимот, имон, ҳадис, тамойил, анъана, миллат.*

Ключевые слова: *терпимость, Коран, спокойствие, справедливость, учение, вера, хадис, принцип, традиция, нация.*

Key words: *tolerance, Koran, peace, justice, teachings, faith, hadith, principle, tradition, nation.*

Жамият ҳаракатдаги жараён сифатида муайян мақсадларни қамраб олувчи стратегик йўналишга эга бирлик экан, у доимо тараққиётнинг оптимал моҳиятидан манфаатдор бўлган сиёсий етакчининг диққат марказида бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши миллий тараққиётни таъминлашда янгича босқич бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: «Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди» [1]. Полиэтник (кўп миллатли) ва поликонфессионал (кўп диний конфессияли) Ўзбекистон шароитида миллий тотувлик ва бағрикенглик ўзаро дўстона муҳитни янада юксалтирадики, бу жиҳат тараққиётнинг оптимал ривожини таъминлашда зарурий омилдир.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритилган барча муваффақиятлари жамият барқарорлигини мустаҳкамлаш, жамиятда миллий ва диний бағрикенглик муҳитини юксалтиришга эътибор қаратиш ривожланишнинг миллий модели моҳиятини англашда зарур омил бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган концептуал вазифалар асосида миллий тотувлик ва бағрикенглик ғоясига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу ҳудудда миллатларнинг тадрижий такомилига, уларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига, турфа миллатлар тафаккурида ягона фуқаролик менталитетини янада юксалтириш масалаларига тўхталиш, миллатлар фаолиятини миллатлараро муносабатларнинг ижобий ривожини таъминлашга йўналтириш, бунинг учун эса ўрганилаётган масаланинг ижтимоий-тарихий моҳиятига эътибор қаратишга тўғри келади [2].

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, тотувлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади. «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»да таъкидланганидек, «Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди» [3:92].

Бағрикенглик (толерантлик) тушунчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра кенг қамровли тушунча сифатида жамиятнинг барча соҳаларидаги мавжуд муносабатларни қамраб олади. Толерантлик тафаккури инсонларнинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маънавий, руҳий муносабатларини уларнинг миллати, ирқи, насл-насаби, иқтисодий аҳволи, дини ва эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини англатади.

Диний бағрикенглик эса турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни ифодалайди.

Бағрикенглик – Ўзбекистон халқига азалдан хос хислат. Юртимиз алломалари Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абу Лайс Самарқандий ва Бурҳониддин Марғиноний асарларида ҳам ўзга дин вакилларига доимо ҳурмат кўрсатиш кераклиги алоҳида қайд этиб ўтилади.

X асрда самарқандлик мутафаккир, «Имом ал-Худа» (Ҳидоят йўлининг имоми) номи билан шуҳрат қозонган Имом Мотуридий томонидан

Мақолада ислом динининг муқаддас манбаларида келтирилган бағрикенгликка оид маълумотлар берилган.

Статья отражает сведения о толерантности в священных источниках исламской религии.

This article describes the sources of the sacred religion of Islam, which is the Holy Quran, the hadith of information on tolerance.

асос солинган Мотуридия таълимоти бутун ислом оламида тарқалган. Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида ушбу таълимотнинг тарқалишида муҳим ўрин тутган [4].

Имом Мотуридийнинг Қуръон тафсирига бағишланган «Таъвилот аҳли сунна» асаридаги «Ҳаж» сурасининг 40-ояти тафсирида: «Черков ва синагогаларни вайрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир», – деб қатъий таъкидлайди. Самарқандлик фақиҳ, муфассир Абу Лайс Самарқандий эса ўзининг тафсир китобида: «Сизлар билан уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг», – деб ёзади [5:27].

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румийнинг ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлгани унинг қуйидаги мисраларида акс этади:

Яна кел, яна
Ким бўлсанг – ўша бўл,
Хоҳи кофир, хоҳи мажусий, хоҳи бутпараст,
Майли юз карра тавба қилган бўл,
Майли юз карра бузган бўл тавбани
Умидсизлик даргоҳи эмас бу даргоҳ
Қандоқ бўлсанг, шундоқ кел... [6:231]

Ўзга дин вакиллари Жалолиддин Румийни қаттиқ ҳурмат қилган ва ўзиники деб билганлар. Буни Жалолиддин Румийнинг дафн маросими билан боғлиқ қуйидаги воқеадан ҳам билиб олиш мумкин: «...Туркlар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яҳудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди. Ҳофизлар Қуръон ўқишар, раввинлар Таврот, православ руҳонийлари Инжил оятларини хониш қилар, ошиқлар рубоб чалиб, чилдирма қоқиб, рақс тушишар, ишқ, муҳаббат хақида ёниб-куйиб қўшиқлар куйлашарди.

Подшоҳ бошқа дин вакилларини ҳайдашга фармони олий берганида яҳудий, христиан руҳонийлари ўз қавмлари номидан шундай фикрларни билдирдилар: «Православ соборининг мутаваллийси: «Қуёш ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки. Магар қавмларимизга буюрсак ҳам, улар қулоқ осишмайди...», «Мавлоно – нон кабидирлар, — деб уни қувватлаб турди яҳудийлар жамоасининг раввини. — Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?» [6:222].

Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам бағрикенглик ғояси муносиб ўринни эгаллаган:

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қоттиқ дилозордан Худо безор,
Аллоҳ ҳаққи бундай қулға сижжин тайёр,
Донолардин эшитиб, бир сўз айтдим мано [7:9].

Ислом дини ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Жаҳон динлари ичида фақат исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган. Хусусан, Қуръони каримнинг

«Бақара» сураси 256-оятида:

لا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ...

«Динда мажбурлаш йўқ», – дейилган. Шунинг учун бошқа дин вакилларини мажбуран ислом динига киритиш Қуръон оятларига зиддир. Ҳақиқий эътиқод ички имондан келиб чиқади. Шундай экан, уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди [8:16].

Жумладан, Қуръони каримнинг «Анкабут» сураси 46-оятида:

وَلَا تُجَادِلُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ ۖ وَقُولُوا آمَنَّا بِالَّذِي أُنْزِلَ إِلَيْنَا وَأُنْزِلَ إِلَيْكُمْ وَإِلَٰهُنَا وَإِلَٰهُكُمْ وَاحِدٌ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ

«(Эй мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустаснодирлар. Шунингдек, айтингиз: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил) га ҳам имон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бирдир ва бизлар Унгагина (имон ва итоат билан) бўйин сунувчимиз», – дейилган [9:402].

Ислом таълимотига кўра, мўминларга кофирлар ва аҳли китоблар билан дин хусусида баҳс-мунозара қилиш, калом илми билан шуғулланиш жоиз. Зеро, ҳар қандай илмий мунозара фақат калом илми билангина ҳосил бўлади.

Мунозара пайтида сабр-тоқат, бағрикенглик қилиш талаб этилади. Лекин улар Аллоҳга ботил сифатларни берсалар, тегишли раддия билан жавоб лозим саналади.

Исломда аҳли китоблар билан мушрикларнинг ўртасидаги фарқ сифатида улардаги Аллоҳ ва пайғамбарларга нисбатан умуман имон йўқлиги, аҳли китоблар Аллоҳга, пайғамбарларга, охиратга, китобларга имон келтириб, фақат Муҳаммад (а.с.) ва Қуръонга имон келтирмасликлари айтилади [10].

Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларида ҳеч кимни исломга киришга мажбур қилмасликка чақирилади. Пайғамбар (с.а.в.) олиб борган ҳарбий тадбирларнинг барчаси соф мудофаа мақсадларига хизмат қилган [11:96].

Динларнинг турли-туманлиги ҳақида Қуръони каримнинг «Юнус» сураси 99-оятида шундай марҳамат қилинади:

وَلَوْ شَاءَ رَبُّكَ لآمَنَ مَنْ فِي الأَرْضِ كُلُّهُمْ جَمِيعًا أَفَأَنْتَ تُكْرِهُ النَّاسَ حَتَّى يَكُونُوا مُؤْمِنِينَ.

«Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»

Қуръони каримнинг «Рум» сураси 22-оятига кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир [5:21]. Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалалари Қуръони каримда акс этган.

Ғайридинларга озор беришнинг ислом динига зид экани Қуръон оятлари, ҳадислар ва уламолар асарларида муфассал баён қилинган. Хусусан, Қуръони каримнинг «*Мумтаҳана» сураси* 8-оятида:

لا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقَاتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ أَنْ تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ.

«Дин тўғрисида сизлар билан уришмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар», – дейилади. Тафсир китобларида мазкур оятнинг сабаби нузули борасида қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Абу Бакр (р.а.)нинг қизлари Асмо (р.а.)нинг оналари Қатила бинт Абдулуззо бўлиб, Абу Бакр (р.а.) жоҳилият даврида унинг талоғини берган эдилар. Бир куни у ҳадялар олиб қизи Асмо (р.а.)ни кўришга Мадинага келади. Асмо (р.а.) оналари Қатилани уйга киргизмайдилар, ҳадяларни ҳам қабул қилмайдилар-да, Оиша (р.а.)нинг олдига жўнатиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бу хусусда сўрашни айтадилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Уйга киритсин ва ҳадяларни қабул қилсин», – деб айтдилар» [5:23].

Шунингдек, Қуръонда бошқа дин вакилларининг маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қарашга ва улар билан адолатли муносабатда бўлишга буюрилган. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Моида» сураси 8-оятида шундай марҳамат қилади:

...وَلا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَآنُ قَوْمٍ عَلَى أَلا تَعْدِلُوا...

«...бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!»

Бағрикенглик хусусида кўплаб саҳиҳ ҳадислар ҳам мавжуд. Жумладан, Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса, ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилса ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан».

«Иймон» китобида ушбу ҳадис қуйидагича шарҳланади: «Ислом давлати соясида яшаётган ғайридин киши учун бундан ортиқ кафолат бўлиши мумкинми? Пайғамбар (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг у ердаги яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорликда яшаш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар» [12:120].

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда эса Пайғамбар (с.а.в.): «Ким аҳдлашган кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди, унинг ҳиди қирқ йиллик йўл (узоқлиги)дан сезилиб туради», – дедилар.

Ислом таълимотига кўра, бутун башарият жинси, ирқи, ранги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барчаси баробардир. Бу борада Расулуллоҳ

(с.а.в.) ҳадисларида: «Инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан тақвосидан ўзга устунлиги йўқ», – деб марҳамат қилдилар [5:21].

Умуман олганда, ҳадисларда, хусусан, Қуръони каримнинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар тинчликпарварлик, мўмин-қобиллик ва бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган [13].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида юксак минбардан туриб, сессия иштирокчиларига «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан чиқдилар. Ушбу резолюциянинг қабул қилиниши диний эркинликни таъминлаш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликдан иборат [14].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги тинчлик ва тараққиётимиз кўп миллатли Ўзбекистон жамиятининг бағрикенглиги асосида жамиятда тотувликка асосланган халқпарвар сиёсат тантанасидан далолатдир. Ўнлаб диний конфессияларнинг фаолияти Ўзбекистон халқининг бағрикенглик, тинчлик ва тотувликка мойиллигидан гувоҳ бўлиб, маданиятлараро мулоқот концепсиясининг тантанаси ушбу жамиятда ўзининг тўлиқ исботини топганлигини билдиради. Бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юртимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар, балки заминимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Мустақил фикрга эга, ўз миллати ва Ватани манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишга қодир баркамол авлодни тарбиялаб, уларда миллий онгни шакллантириш, мустақил барқарор тараққиёт учун хизмат қилишга йўналтириш жараёнида миллийликка хос толерантлик йўналишларини кенгайтириш бугунги кунниг талабидир. Миллий қадриятларимизнинг бир қисми бўлган диний қадриятларимиз, хусусан, ислом дини ҳамиша инсон қадр-қимматига катта эътибор бериб, бошқа дин вакилларининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси ва урф-одатларини қадрлаган, кўпгина ихтилофларнинг олдини олган, бағрикенглик дини сифатида намоён бўлган ва бўлиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги « 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

2. Жамият ва бошқарув. Журнал. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси босмахонаси, 2017, № 4 - 28 б.

3. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. / ЮНЕСКО Халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. – 92 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ИҲТ ТИВКнинг «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» номли 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. 18.10. 2017.

5. Маърифат зиёси / Таҳрир ҳайъати: А. Мансур, И. Усмонов. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.

6. Жалолиддин Румий: Тарихий-биографик роман. – 2-нашр / Радий Фиш. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.

7. Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар // Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқалар; Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўпловчи И. Ҳаққулов; / . –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 9 б.

8. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А. Ҳасанов, О. Юсупов, К. Шермуҳамедов, У. Ғафуров, Ж. Каримов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. –Т.: »Мовароуннаҳр», 2013. – 16 б.

9. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

10. Қаранг: Абул-Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ал-Ҳанафий / Мадорикут-танзил ва ҳақоиқут-таъвил. - Истанбул, 1324 ҳ.й.

11. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир: А. Очилдиев. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 96 б.

12. Ҳидоят ортига яширинган залолат / Муаллиф ва тузувчилар: А. Очилдиев, Ж. Алиев, А.

Аҳмедов, Ш. Жўраев, М. Казакбаев, Ж. Каримов, Ж. Мелиқўзиев, Ж. Нажмиддинов, А. Тўйчибоев. –Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 120 б.

13. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Адолат, 2001.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи / «Халқ сўзи» 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).

Mahfuza ALIMOVA,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi dotsenti v.b., tarix fanlari nomzodi,

Ibrohim NIGMATULLAYEV,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi talabasi